

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/25.08.2021. Fil.01.16 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЗРАТҚУЛОВА ЭЛМИРА БОЗАРБОЕВНА

**АДАБИЙ-ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА БАДИИЙ ИЖОД МАСАЛАЛАРИ
(“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асосида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 821.512.133. 82 (091)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Ҳазраткулова Элмира Бозарбоевна

Адабий-тарихий асарларда бадиий ижод масалалари («Бобурнома» ва
«Тарихи Рашидий»
асосида).....5

Ҳазраткулова Элмира Базарбаевна

Вопросы художественного творчество в литературно-исторических
произведениях на основе “Бабур-наме”и“Тарихи Рашиди”).....25

Hazratkulova Elmira Bazarbayevna

Issues of the artistic creation in the literary-historical works (on the basis of "The
Baburnama" and "Tarixi Rashidi.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published
works.....45

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЗРАТҚУЛОВА ЭЛМИРА БОЗАРБОЕВНА

**АДАБИЙ-ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА БАДИИЙ ИЖОД МАСАЛАЛАРИ
(“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асосида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Fil1335 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nuu.uz) ва “Ziyo Net” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сулаймонов Исроил Исомиддинович
филология фанлари доктори

Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтини**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “15” март куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Асосий биноси 1-кават, 105-хона (99871) 2271224, факс (99871) 2465321, (99871) 2460224; e-mail: pauka@nuu.uz)

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-кават, 4-хона. Тел.: (99871) 2364655; факс: (99871) 2460224)

Диссертация автореферати 2022 йил “23” сентябр да тарқатилди.

(2022 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)


Р.А. Ширинова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ж.А. Мазмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., доцент

М.М. Курбонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида мумтоз туркий адабиёт қизиқиш билан ўрганилиб келинади. Мумтоз адабиётда бадиият, адабий муҳит ва адабий танқиднинг ўрни ҳақидаги илмий изланишларни амалга ошириш долзарб вазифаларни келтириб чиқариши билан бирга тадқиқотларнинг кўламини кенгайтириш заруратини ҳам кўрсатмоқда.

Дунё адабиётшунослигида “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларининг АҚШ, Япония, Туркия ва Марказий Осиё давлатлари олимлари томонидан таржима ва табдили билан боғлиқ нашр ишларини қизгин давом эттираётганлари ҳамда филологик тадқиқотларни амалга ошираётганлари тадқиқотнинг долзарблигини билдиради. “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларини адабиётшунослик аспектида алоҳида ўрганилиши кейинги илмий тадқиқотлар дунё адабиётшунослигида кейинги изланишлар ривожига туртки беради.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасида истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар замирида “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўп қиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш катта аҳамиятга эга”¹ бўлиб, мазкур илмий жараёнлар натижасида “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида бадиий ижод масалаларини монографик планда ўрганиш адабиётшунослигимизни янги таҳлил ва қарашлар билан бойитишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги Ф-124-сонли “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишида кўрсатилган вазифаларга мувофиқ келади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи. 2018 йил 8 август.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларининг ўрганилиш даражаси, асосан, XX асрнинг иккинчи ярмидаги тадқиқотларда чуқурлашиб борди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий-илмий меросига бўлган муносабат тубдан ўзгарганлиги боис унинг асарларини, жумладан, “Бобурнома”нинг танқидий матнини яратиш билан боғлиқ изланишларни ҳам ушбу соҳанинг ютуқлари сирасидан баҳолаш керак бўлади. Шунингдек, “Бобурнома” юзасидан бажарилган илмий тадқиқотлар, ўзбек даврий матбуотида эълон қилинган бир қатор илмий ва публицистик мақолалар ва илмий тўпламлар²да ушбу мавзуга доир кузатишлар ўз аксини топган. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари ҳам ўзбек адабиётшунослигида кейинги йилларда диққат билан ўрганилиб келинмоқда. “Тарихи Рашидий”нинг ўзбек тилига таржималари бир неча марта нашр этилди³. Шу билан бирга “Тарихи Рашидий”нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаган америкалик олим Виллер Текстон нашридан ҳам унумли фойдаланилмоқда⁴. Халқаро Бобур жамғармасининг ташаббуси билан республикада ўтказилган нуфузли конференция материаллари тўплами⁵ ҳам ишимиз доирасида диққат билан ўрганилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбек адабиётшунослиги” кафедрасининг “Бадий матн ва унинг таҳлили” илмий йўналиши доирасида бажарилган.

² Жамолов С. Бобурноманинг бадий хусусиятлари. – Т., 1960. – 210 б.; Қудратуллаев Ҳ. “Бобурноманинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили асосида)”. Ф.ф.док. дисс. ... – Т., 1998. – 348 б.; Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари. – Т., 1983. – 62 б.; Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий эстетик олами. – Т.: Маънавият, 2018. – 271 б.; Абдуллаева М. Тарихий насрий асарлар бадииятининг қиёсий таҳлили (“Бобурнома” ва “Шажараи турк” мисолида)”. Ф.ф.н. дисс. ... – Т., 2008. – 155 б.; Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Ф.ф.н. дисс. ... – Т., 2002. – 160 б.; Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида. Қиёсий типологик таҳлил. Ф.ф.док. дисс. ... – Т., 1994. – 290 б.; Жиянова Н. “Бобурнома”даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари. Ф.ф.н. дисс. ... – Т., 2000. – 135 б.; Ҳошимова Д. “Бобурнома” асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари (Ўзбек, инглиз ҳамда “Бобурнома” танқидий матнининг япон нашрлари мисолида). Ф.ф. д.дисс. ... – 220 б.; Каримов Р. “Бобурнома”да шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили. Ф.ф. ном. дисс. ... – Т., 2003. – 120 б.; Шарипов Х. Теоретические вопросы прозы в таджикско-персидских политнеках классического периода. Автореферат док. дисс. ... – Душанбе, 1987. – 45 с.; Валихўжаев Б. Бобурнома улкан наср намунаси / Ўзбек насри тарихи. – Т., 1992. – 197 б.; Халлиева Г. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи. Ф.ф.док.дисс. ... – Т., 2016. – 220 б.; Хорижда Бобуршунослик. Тадқиқот, талқин ва мақолалар. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Мумтоз сўз, 2009.

³ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Хитой: Урумчи-Шинжонг халқ нашриёти, 2007. – 500 б.; Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / В.Раҳмонов ва Я.Эгамова таржимаси. – Т.: Шарқ НМАК, 2010. – 730 б.; Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аъзий. Тарихи Рашидий. Нашрга тайёрловчи. О.Жалилов. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2011. – 670 б.; Мирзо Ҳайдар. История Рашиди. Пер. А.Уринбоева и Л.Епифановой. – Т.: Фан, 1996. – 355 с.

⁴ Mirza Haydar Duglat's Tarih-i Rashidi. A History of the Khans of Moghulistan (Persian Text) by W.M. Thachston (xii, 407 pages, 1996).

⁵ Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни / Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т., 2011. – Б. 120.

Тадқиқотнинг мақсади. “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида адабиётшунослик масалалари, жумладан, муаллиф услуби, адабий муҳит ҳамда танқид ва адабий сиймоларга хос хусусиятларни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Ҳайдар мирзонинг адабий-эстетик қарашларидаги анъанавийлик ва ўзига хос индивидуал жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот олдига қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида муаллифларнинг услубини тадқиқ этиш ва таҳлилга тортиш;

“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий”да тасвирланган адабий муҳит ва адабий танқидга хос хусусиятларни текшириш;

ушбу асарлар таркибидаги ижодкор тарихий шахсларнинг адабий портретларини ўрганиш воситасида шоирлар тазкирасига хос белгиларни аниқлаш;

мутасаввиф адиблар сиймосига нисбатан Бобур ва Ҳайдар мирзоларнинг ирфоний муносабатларини ўрганиш орқали валийлар тазкирасига хос жиҳатларни тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарлари тадқиқот объекти қилиб белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети. “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида акс этган адабиётшунослик масалалари, адабий муҳит ҳамда танқид муносабати, ижодкор шахс ва мутасаввиф адиблар ҳақидаги муаллифларнинг қарашлари диссертациянинг предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-қиёсий, аналитик, ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Ҳайдар мирзонинг адабий-эстетик қарашларидаги ўзига хослик, ҳаётий материалга мунаққид сифатида ёндашувдаги муносабати ва уларни очиб беришдаги холислик ҳамда далиллаш каби тамойиллари асосланган;

“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида тасвирланган ижодкор шахс ва унинг адабий муҳитдаги етакчи ҳамда таъсирлантирувчи ўрни, уларнинг асарларида акс этган шоирлар ҳасби ҳоли, мумтоз адабий танқидчиликнинг назарий, ғоявий ва бадиий хусусиятлари далилланган;

адабий-тарихий асарлар таркибида тасвирланган адабий портретларнинг шоирлар тазкираларида кузатилган адабий жараён, жанр ва анъанавий поэтик шакллар билан алоқадорлиги исботланиб, ушбу портретларни яратишда муаллифларнинг бадиий маҳорати аниқланган;

Бобур ва Ҳайдар мирзонинг мутасаввиф адабий сиймоларга бўлган тариқат жиҳатидан муносабати, ушбу асарлардаги валийлар тазкираларига хос бўлган каромат ва маноқибларнинг таърифланиши, муршид ва мурид силсиласининг баён этилиши каби жиҳатларнинг мавжудлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Ҳайдар мирзонинг адабий-эстетик қарашлари билан бирга уларнинг адабий услуби, асар таркибидаги жанрлар қоришуви жараёнининг асар мазмуни ва таркибига таъсири масаласи ўрганилган.

Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий муҳиtida шаклланган адабий анъаналар ва ижодий тамойилларни ўрганишда “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарлари муҳим манбалардан эканлиги асосланган;

Бобур ва Ҳайдар мирзо асарлари матнида бир неча соҳаларга оид илмий қарашлар билан бирга соф филологик қарашларнинг устуворлик қилиши таҳлил қилинган.

Тадқиқот олий таълим муассасаларининг Ўзбек филологияси факультетларида ўтиладиган “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи” каби фанларнинг назарий дастур ва ўқув режа, ўқув мажмуаларини тузишда адабий манба вазифасини бажариши мумкин. Шунингдек, умумий ўрта таълим ва академик лицей ўқувчиларининг Адабиёт дарсларида ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда муаммоларнинг аниқ қўйилгани, илмий-назарий хулосаларда тарихий-қиёсий ва биографик, аналитик таҳлил усуллари истифода қилингани, ишончли адабий-тарихий манбалар, интернетнинг халқаро илмий базалар маълумотларидан фойдалангани билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бобур ва Ҳайдар мирзонинг адабий қарашлари ва илмий мулоҳазалари, уларнинг адабиётшунослик фаолияти ўрганилгани боис ишнинг хулосалари илмий-назарий манбаларни муайян даражада тўлдириш вазифасини бажариши мумкин.

Тарихан шаклланган адабиётшунослик жанрларининг ушбу йирик асарлар таркибида ўзига хос тарзда намоён бўлиши асосланган бўлиб, бу кузатиш натижаларидан ўзбек адабий танқидчилиги тарихи фанининг ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини яратишда ҳам фойдаланиш мумкин.

XV-XVI аср адабий муҳити, ундаги бадиият ва услуб муаммоси, ровийлик ва адабий маслак, тазкирачиликнинг тараққиёти каби масалаларни ёритувчи илмий фундаментал тадқиқотлар учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилиши ҳам кўзда тутилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарлари бадиий ижод масалаларини илмий тадқиқ этиш бўйича натижалардан:

“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида адибларнинг адабий услубини тадқиқ этиш ва муаллиф образи бажарган вазифалар, адабий муҳит ва мумтоз адабий танқиднинг белги ва хусусиятлари юзасидан олинган хулосалардан ФА-Ф1-Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада белгиланган вазифалар ижросида фойдаланилган

(ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 28 октябрдаги 318/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ишининг мумтоз насрий асарларда адиб услуги, адабий муҳит ва адабий танқидчиликнинг ўзига хос илмий қирраларини ўрганишга доир таҳлиллар билан бойишига хизмат қилган.

“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида ижодкор тарихий шахслар адабий портретларини ўрганиш воситасида шоирлар тазкирасига хос белгилар, мутасаввиф адиблар сиймосига Бобур ва Ҳайдар мирзоларнинг ирфоний муносабатлари, валийлар тазкирасига хос жиҳатларга доир назарий хулосаларидан ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 28 октябрдаги 317/1-маълумотномаси). Натижада мумтоз ўзбек адабиёти тарихидаги шоирлар ва валийлар тазкирасининг қорақалпоқ адабиётшунослигининг жанрларига таъсири масаласи ойдинлаштирилган.

Бобурнинг адабий-назарий қарашлари ва асарда яратилган адабий портретлар ҳақидаги илмий маълумотларидан Жиззах вилоят Кўзи ожизлар жамияти Ахборот-ресурс маркази томонидан ўтказилган “Китобхонлик – маънавий бойлик” номли адабий кечада фойдаланилган (Жиззах вилояти Кўзи ожизлар жамияти Ахборот-ресурс марказининг 2021 йил 14 сентябрдаги 597-сон маълумотномаси). Натижада китобхонлик тарғиботларининг самарадорлиги ошишига эришилган.

“Бобурнома”даги адабий муҳит ҳамда адабий-тарихий асарлар таркибида келувчи мумтоз адабиётшунослик жанрлари ҳақидаги илмий маълумотларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими қошидаги “Сангзор” адабий тўгараги машғулотларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлимининг 2021 йил 6 сентябрдаги 37-сон маълумотномаси). Натижада тўгарак машғулотларининг мазмунан кўламдорлиги ва таъсирчанлигининг ошиши кузатилган.

Бобурнинг ирфоний қарашлари ва “Бобурнома”да тазкирага хос унсурлар ҳақидаги илмий маълумотларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Мавзу” номли адабий-маърифий кўрсатувининг тайёрланишида амалий фойдаланилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканали 2021 йил 23 ноябрь 49-40-1774-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувнинг илмий кўрсаткич ва далиллар билан бойишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 1 та илмий

рисола, 13 та мақола, шундан 11 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда, 5 та республика, 5 та халқаро конференция тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш ва уч асосий боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми – 165 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси, тадқиқот мавзуси бўйича юртимиз ва хорижий адабиётлари шарҳланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотда фойдаланилган методлар кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабий-тарихий асарларда адабиётшунослик муаммолари”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат. **“Бобурнома”** ва **“Тарихи Рашидий” асарларининг ўрганилиши**” номли биринчи фаслида ушбу икки йирик асарларнинг юртимиз, МДХ ва хорижий давлатларда ўрганилиши кузатилган. “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларининг хориж илмий жамоатчилиги томонидан таржима қилиниши ва ўрганилишида, асосан, унинг тарихий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳалар доирасида тадқиқотлар кўплиги аниқланган. Мазкур таржима ва тадқиқот ишларининг турли илмий соҳаларга алоқадорлиги асарларнинг энциклопедик характерга эга экани билан боғлиқдир. Бироқ юқоридаги тадқиқотларда “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларининг адабиётшунослик жиҳатидан алоҳида аспектда ўрганилмагани туфайли ушбу мавзунини тадқиқ этишга эҳтиёж ва илмий зарурат сезилади.

Бобнинг **“Ровийлик ва адабий услуб ифодаси”** номли фаслида Бобур ва Ҳайдар мирзонинг “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларида адабий услубнинг муҳим белгилари тадқиқ этилган. Жаҳон адабиёти дурдоналарининг жанр спецификаси ўзининг тадрижий шаклланиш жараёнлари бир неча асрлар мобайнида ўтиш босқичини бошдан кечирган. Шунингдек, маълум бир халқ адабиётига хос бўлган адабий тур ёки адабий жанрнинг бошқа бир халқ адабиётига сингиши ўзаро сиёсий-ижтимоий ва маданий алоқалар натижасида оз вақтни олиши ёки узоқ муддатга чўзилиши мумкин эди. Ўз-ўзидан кўринадикки, миллий бадиий адабиётнинг юксалиши қардош ва қўшни халқлар адабиёти билан алоқадорликда ҳам юзага чиқади. Жумладан, форс тилида яратилган тарихий асарларнинг ҳам турк тилидаги адабиётларга, маноқиб ва ҳикоятларга муайян таъсири бўлганлигини кузатиш мумкин. Ушбу фаслда “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий”

асарларининг услуби ҳақидаги адабиётшунос олимларнинг фикрлари қиёсланган ҳолда “Бобурнома” матни таркибида муаллифнинг адабий услуби қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши кузатилади: 1. *Бадиий услуб* – асар таъсирчанлигини ошириш мақсадида киритилган муаллифнинг шеърий парчаларида ва бадииятга йўғрилган лавҳаларда кўзга ташланади. “Бобурнома” таркибида соф бадиий умумлашма характери касб этган, ўзининг муайян бошланма, кульминацион нуқтаси ва ечимига эга бўлган кўплаб бадиий лавҳалар акс этган. Ушбу бадиий лавҳаларда Бобурнинг бадиий маҳоратини акс эттирувчи, унинг адабий услубига хос белгилар ҳам тадқиқ этилди. 2. *Таҳлилий илмий услуб* – муаллифнинг олимларга хос закий зеҳни ва ўткир хотираси, илмий таққослаш ва далиллаш хусусиятлари бир неча фанлар кесимига оид билим ва маълумотларида гавдаланган. Бу маълумотлар тилшунослик, адабиётшунослик, иншо, тарих, диншунослик сиёсат, иқтисод, ва бошқа соҳаларга алоқадор бўлиб, ҳар бир соҳанинг долзарб масалаларига муносабат билдирганлиги билан катта аҳамият касб этади. 3. *Тарихнавис услуби* – воқеликлар баёнида аниқ рақамлар ва тафсилотларга таяниш ҳамда ўзининг холис хулосаларини бера олишида равшан кўринади. Демак, “Бобурнома”да Бобурнинг ўзига хос адабий услуби акс этишига қараб муаллиф образининг, асосан, уч услубда ўз вазифасини бажарганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Булар: *етакчи қаҳрамон, таҳлилчи олим, тарихчи-қузатувчи* қиёфалари. Ушбу вазифалар таснифида *етакчи қаҳрамон* роли асарда марказий ўринни эгаллайди. Иккинчи навбатда, *таҳлилчи олим*, учинчидан эса, *тарихчи-қузатувчилик* мақомининг муҳим аҳамият касб этганини кўриш мумкин. Кузатишларимизга кўра, Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарида муаллифнинг услубидан келиб чиққан ҳолда унда қуйидаги вазифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1. Тарихнавис услуби – тарихий воқеалар ва даврларни ёритишда ишончли манбаларга таяниш ва таққослаш белгиларини ўзида жамлайди. 2. Таҳлилчи-олим – асар матни таркибида келган бир неча соҳалар адабиётшунослик, тасвирий санъат, хаттотлик, сиёсат, диншунослик, тасаввуф, география каби фанларга алоқадор мулоҳаза ва қарашларнинг асосли фактларга суянганлиги ва саралаш хусусиятлари каби белгиларни ўзида жамлайди. 3. Иштирокчи қаҳрамон – асарнинг баъзи фасл ва саҳифаларида ўзининг ҳаёт тарзи ҳамда саргузаштларини зарурат юзасидангина келтириб ўтиб, китобдаги маълум бир воқеликка боғлаган ҳолда шарҳлайди. Бу ўринда муаллифнинг ҳиссий кечинмалари ва ахлоқий панд шаклидаги хулосалари шеърий парчалар, ривоятларда ўз ифодасини топгани билан характерлидир.

“Бобурнома”га нисбатан Ҳайдар мирзонинг иштирокчилик позицияси анча заиф кўринади. Чунки муаллиф асарда ўз образини белгилашда чекланганлик йўлидан боради. Шу боисдан асарда, биринчи навбатда, *тарихчилик*, иккинчидан, *таҳлилчилик* ва энг сўнгида эса унинг *иштирокчилик* мавқеи ўрин эгаллаган. Бадиият муаммолари “Тарихи Рашидий”да қуйидагича акс этади: адабий муҳит ва ижодий жараён, ижодкор шахслар адабий портрети, адабий жанр ва шакллар талқини, мутасаввиф

адибларнинг ирфоний муносабатлари кабилардир. Ушбу жиҳатларни ёритишда “Бобурнома”да кузатилгани каби “Тарихи Рашидий”да ҳам Ҳайдар мирзонинг ўзига хос мунаққидлик маҳорати, бадииятни ҳис қилиш иқтидори, адабий-маърифий қарашлари асос вазифасини ўтайди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Бобур ва Ҳайдар мирзонинг адабий-эстетик қарашлари**” деб номланиб, унинг “*Адабий муҳит ва адабий танқид инъикоси*” деб номланган фаслида “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларидаги адабий муҳит ва адабий танқид (илми нақд) масалаларининг ёритилиши ўрганилган. Бобур ва Ҳайдар мирзо нигоҳида бадиий адабиётнинг юксалишига муҳим таъсир қилувчи адабий муҳит тасвирини шарҳлаш асносида ҳар икки адибнинг адабий танқидий қарашлари ва мунаққидлик маҳорати бўй кўрсатади. “Бобурнома” саҳифаларида маълум бир шаҳарлар худуди доирасида ривожланган адабий муҳит ва унинг ижодий жараёнга таъсири ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Асарда Андижон, Самарқанд, Кобул, Ҳирот шаҳарларидаги шеърят ихлосмандлари ва адабий давралар ҳақида таъсирчан лавҳалар берилгани ўша давр адабиёти вакиллари ҳамда ихлосмандларининг асосий қиёфасини белгилаб олишимизда муҳим аҳамият касб этади. “Бобурнома”да адабий муҳитлар тасвирини икки хил кўринишда талқин этиш мумкин: 1. Адабий муҳитнинг билвосита тасвири (ижодкорлар учун махсус саҳифа ажратилмаган, бироқ шаҳар бошқарувидан тортиб ижтимоий-маданий муҳит акс этган матнлар орасида тарқоқ ҳолда келган маълумотларда: Андижон, Самарқанд, Кобул адабий муҳити манзаралари акс этган). 2. Адабий муҳитнинг бевосита тасвири (Шоирлар ва бошқа ижодкорлар учун махсус саҳифа ажратилган шаҳарлар тасвирида, масалан, Ҳирот мисолида). “Бобурнома”да Бобурнинг Умаршайх мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Бойсунқур мирзо, Ҳусайн Бойқаро каби темурий ҳукмдорларнинг таъби назми ҳақидаги таҳлиллари орқали Фарғона, Самарқанд, Ҳирот каби шаҳарларнинг маданий-адабий муҳити ҳақида маълумотлар олинади. Бобур томонидан *таъби назми* бор ҳукмдорларнинг шоирлик мақомига берилган таърифларида уларнинг ички табиатини ёритадиган кўшимча тўлдирувчи нуқталар ҳам мавжуд. Зеро, Бобурнинг тарихий шахсларга холис муносабатида улар сийратидаги ижобийлик ва салбийлик бўёғи бўртиб туришида унинг таъби назми баҳолаш усули ҳам қўл келган. Самарқандда оз муддат ҳукуматни бошқарган Бойсунқур мирзо портретига хос чизгиларда ҳам Бобурнинг ўткир мунаққид нигоҳи акс этади: “...*настаълиқ хатини хейли хўб битур эди. Наққошликда ҳам илиги ёмон эмас эди. Шеърни ҳам тавре айтур эди. Одиллий тахаллус қилур эди. Шеърлий девон тартиб қилгунча бўлмайдур эди... Самарқандда Бойсунқур мирзонинг газаллари онча шойиъдурким, кам уй бўлгай эрдиким, мирзонинг ашъори ул уйда бўлмагай эди*”⁶. Ёш умри хазон бўлган Бойсунқур мирзонинг зариф кўнгилли шахзода эканлиги, бир неча илму ҳунарни маромига етказиб ўрганганлиги, ҳали девон тузишга улгурмасданок ғазалларининг халқ томонидан суйиб ўқилиши ҳақидаги маълумотларда

⁶ Ўша манба. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ НМАК, 2002. – Б. 72.

Бобурнинг ҳам фахр, ҳам надомат каби туйғулари уйғунлашиб кетган. Самарқанд адабий муҳитида қайноқ нафасли ижодкорлар кўп бўлгани ҳолда Бойсунқур мирзонинг ғазаллари қўлма-қўл бўлиши, албатта, шоирнинг камолотга етиша бораётганидан далолатдир. Шу боисдан Бобур илму маърифатнинг жонкуяр, фидойи раҳнамози ҳамда адабиётшунос олим сифатида Бойсунқур мирзонинг ўз амалдори Хусравшоҳ томонидан ваҳшийларча ўлдирилиш фожеаси ҳақида “...мундоқ хуштабъ ва пурфазилят ва ҳасаб ва насаб била ораста подшоҳзодани шаҳид қилди”⁷, дея ёзган эди. Хусайн Бойқаро тасарруфидаги муҳит ҳақида атрофлича “Шуародин” рукнида ўзига замондош бўлган ўн тўрт шоир, уч рассом, саккиз мусанниф ва бир қанча мусиқачилар ҳақида маълумот беради⁸. Ҳассос Бобурнинг теран нигоҳи-ла Ҳирот шаҳри тамаддунини яққол кўз олдимишга келтирувчи қуйидаги: “...Султон Хусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким, бир шиға маишуллиги бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай”⁹, деб тасвирланган манзараси Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони XIX мақолатидаги гўзал Ҳирот тасвирига ҳамоҳангдир:

*Оллоҳ-оллоҳ, не Ҳири, бу Ҳири,
Бир-биридан турфа анинг ҳар бири*¹⁰.

Муаззам Ҳиротнинг маданий-адабий муҳитини ёритишда Бобур бу жамоатчилик таркибини турли гуруҳларга таснифлаган ҳолда диққат қаратади. Бу гуруҳлар қуйидагилардир: *авлоди, умароси, судур, вузаро, шуаро, хушнавислар, мусаввирлар, аҳли назма, мусанниф* каби гуруҳлар. Бу таснифларнинг ҳар бирига мухтасар тўхталган Бобурнинг мунаққид сифатидаги дунёқарашини намоён бўлади. Ҳирот адабий муҳитида Бобур аҳамият қаратган адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан яна бири бу *асарнинг мазмун ва зояси* билан боғлиқдир. Унинг таҳлилларида маълум бир асарнинг бадиий етуклиги фақат шеър шакллариининг мукамаллиги билангина эмас, балки асар бадиий ҳақиқатининг тарихий ҳақиқатга уйғун келиши кераклиги ҳақида ҳам баҳс боради. Бу ҳақда унинг эстетик қарашлари айнан шоирларга ажратилган саҳифалардан кўра, *Судур* гуруҳидаги Камолиддин Хусайн Гозургоҳийнинг сифатлари таърифланаётган ўринда аниқроқ билинади: “Яна Камолиддин Хусайн Гозургоҳий эди, агарчи сўфи эмас эди, мутасаввиф эди. Алишербекнинг қошида мундоқ мутасаввифлар йиғилиб, важд ва само қилур экандур. Аксаридин мунинг усули яхшироқ экандур. Ғолибо сабаби риояти усули бўлубтур. Ўзга дегудек ҳайсияти йўқ эди”¹¹. Аввало, таъкидлаш керакки, тасаввуф аҳли томонидан “Хуросоннинг ҳавоси ярим пирликни беради”, нақлидаги эътироф орқали бу юртда нақадар кўп тасаввуф намояндаларининг камолга етгани англашилса, шу билан бирга бу маънавий оқимга фақат зоҳиран ёндашиб, уни шаклан илм

⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ НМАК, 2002. – Б. 72.

⁸ Болтабоев Ҳ. “Бобурнома”да Андижонийлар / Мумтоз сўз кадри. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 59.

⁹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ НМАК, 2002. – Б. 137.

¹⁰ Алишер Навоий. Ҳамса / Нашрга тайёрловчи А.Ҳожиаҳмедов. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 66.

¹¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ НМАК, 2002. – Б. 136.

сифатида ўзлаштириб, аслан сўфийлик даражасига эришмаганлар тоифаси ҳақида ҳам тушунишимиз мумкин. Камолиддин Хусайн Гозургоҳийнинг *рақси само* мажлисидаги фаоллиги ҳақидаги лавҳаси ортидан яна бир жиҳат Навоий феноменининг бу муҳитда қанчалар муҳим аҳамият касб этгани, унинг қошида эътибор топиш ҳар бир аҳли илм, аҳли шуаро ва мутасаввифлар учун алоҳида воқелик бўлгани ҳам англашилмоқда.

Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарида ҳам адабий муҳит, адабий танқид каби масалаларга фаол муносабат сезилади. “Бобурнома”даги каби “Тарихи Рашидий”да ҳам адабий муҳитлар тасвирида бевосита шоирлар ижодий қиёфасига оид кузатишларида Ҳайдар мирзонинг мунаққидларга хос нигоҳи акс этади. Ҳайдар мирзонинг Саидхон билан боғлиқ таърифида унинг шоирлик иқтидорига хос хусусиятлар таҳлилида саройдаги ижодий кайфият ва адабий давралар манзараларига оқилона муносабат ҳамда ишоралар бор. Бироқ Ҳайдар мирзо ўзи яшаган ва ижод этган Кошғар сарой адабий муҳити ҳақида бевосита маълумот бермаган. Биз бу ердаги адабий жараён ҳақида турли тарихий тафсилотлар пардаси ортидан ўзимиз муайян хулоса чиқаришимиз мумкин. Ёки султон Саидхоннинг Кошғардаги ҳукумати ҳамда маданий-адабий муҳитига хос жиҳатларни бошқа бир тазкира ва манбалардаги маълумотлар орқали ҳам тасаввур этишимиз мумкин бўлади. Масалан, Саидхоннинг фарзандлари Рашид султон, Баҳодир султоннинг ижодий қиёфаси ва ахлоқий фазилатлари ҳақида Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”¹² асарида бирмунча адабий маълумотлар берилган. Хусусан, Баҳодир султоннинг ёшлиқдан шеърятда камолот ҳосил қилгани ҳамда матлаълари жуда машҳур бўлгани ҳақида асосли лавҳалар келтиради. Рашид султоннинг ҳам доимий илм билан машғуллиги ҳамда мактублар орқали шоир Нисорий билан бадихалар¹³ ёзишгани маълум қилинади.

Ҳайдар Мирзо ҳам Бобур каби Ҳирот маданий-адабий муҳити ҳақида бевосита саҳифа ажратган ҳолда тўхталади. Отасининг Шайбонийхон томонидан таъқиб қилиниши натижасида у ҳам болалик чоғида Хуросонда бир муддат яшаган эди. Отасининг Хуросонда яшаган кезлари рўй берган воқеликларни сўзлаш асносида бу маскандаги аҳли фазл ҳақида ҳам маълумот беришни лозим топади. Ҳайдар мирзо ҳам Бобур каби Ҳиротдаги ижодкорларни турли гуруҳларга *валийлар, илм аҳли, шуаро, хаттотлар, мусаввирлар, музаҳҳиблар, муганнийлар* каби таснифлаган ҳолда муносабат билдиради. Бу маданий-адабий муҳит ҳақида шу даргоҳда бўлган аҳли фазлдан эшитганларига таяниб маълумот беради. Маълум бўлишича, Хуросоннинг таназзули чоғида тарқаб кетган олим ва шоирларнинг айримлари Самарқандда, Кобулда, Аграда ва Кошғарда ҳам кўним топган эдилар. Улар билан юзма-юз кўришиш орқали Ҳайдар мирзо Ҳиротнинг аҳли илм ва аҳли шуароси ҳақида ўзи қизиққан кўпгина масалаларга жавоб

¹² Самарқандий Мутрибий. Тазкират уш-шуаро / Таржимон Бекжонов И. – Т.: МУМТОЗ СЎЗ. – Б. 624.

¹³ Ўша манба. – Б. 54.

олишга имкон топган ва етарлича тасаввур ҳосил қилган. Ҳайдар мирзо эътибор қилган маданий муҳитда кўплаб шоирларнинг ижодий қиёфаси ёки ижоднинг бошқа турида фаолият олиб борувчиларнинг истеъдод қуввати ҳақида Бобур тўхталган масалаларга қўшимча тўлдирувчи жиҳатлар бор. Айниқса, Ҳайдар мирзонинг адабий-эстетик олами шу маскандаги жараёнларни ёритишда яққол билинади. Шоирлардан Ҳусайн Али Жалойир, Мавлоно Охий, Сайфий, хаттотлардан Мир Али Табризий, Мавлоно Жаъфар, Султон Али Машҳадий, мусаввирлардан Беҳзод, Мавлоно Музаҳҳиб кабиларнинг ижод услуби ва хусусиятларини ўзига хос тарзда талқин этади. Хусусан, Ҳайдар мирзо ушбу ижодкорларнинг ижодий қиёфасини белгилашда устоз-шогирд анъаналари асосида амалга оширади. Ҳайдар мирзо ижодкорларнинг индивидуал услубининг шаклланиш босқичига ижодий янгилик яратишга бўлган интилишларига асосий диққатни қаратади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Адабий жанр ва шакл талқинлари”** деб номланиб, бу фаслда “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарлари матни таркибида аралаш ҳолда келган *мактуб, сатира, таърих* каби адабий жанр ва шакллар, шунингдек, ўз давридаги бошқа тарихий асарларда кузатилгани каби *рубойи, қитъа, маснавий, ғазал* каби шеър шаклларнинг қўлланиши ва уларининг асарда тутган ўрни, адибларнинг шоир сифатидаги иқтидори каби жиҳатлар ўрганилган. Ҳар икки асарда қўлланган шеърий жанрларнинг салмоғи, сони тасниф қилинган ҳамда уларнинг асар бадиияти ва мақсади учун аҳамиятли томонларига эътибор қаратилган.

“Бобурнома”да шеърий жанрлар таснифи

Асарнинг бўлими	Рубойи	Қитъа	Маснавий	Назм	Фард	Ғазал	Мисра	Байт	Жами
Фарғона	9	-	-	5	4	-	-	18	36
Кобул	2	5	1	1	-	2	1	19	31
Ҳиндистон	6	3	6	-	-	-	3	13	31
Жами:	17	8	7	6	4	2	4	50	98

“Тарихи Рашидий”да шеърий жанрлар таснифи

Асарнинг бўлими	Рубойи	Қитъа	Маснавий	Назм	Фард	Ғазал	Мисра	Жами
Биринчи дафтар	3	1	-	97	22	5	5	133
Иккинчи дафтар	43	8	3	177	104	3	24	362
Жами:	46	9	3	274	124	8	29	495

Ҳайдар мирзонинг *назм* деб келтирган намуналари ҳажман ҳар хил, икки байт, беш байт, баъзилари тоқ сонли мисралар билан тугалланган. Муаллиф воқеа баёни чоғида унинг мавзу ва сюжетига мос назмларни биринкетин ўзи ёзиб киритиб кетаверган, уларни қайсидир жанр талабларига мослаштиришга улгурмаган. Асарда келтирилган рубойларнинг

йигирматаси Абдурахмон Жомийнинг рисоласидан олинган бўлиб, асар таркибида унинг кичик рисоласи тўлалигича келтирилган. Мутасаввифлардан Хожа Маҳмуд Нуронинг, Хожа Бурҳониддиннинг сўфий масалаларига бағишланган қўлланмалари киритилган, айтиш жоғда, иккинчи дафтардаги шеърӣ намуналар биринчи дафтарга нисбатан уч баробар кўп миқдорда. Бу ҳол иккинчи дафтар аввал ёзилиб, ундан илҳомланган ҳолда биринчи дафтар тузилган¹⁴, дея айтилган тахминни қувватлашимизга асос беради. Зеро, муаллифнинг зўр ҳафсала ва кунт билан ёзган иккинчи дафтари биринчи дафтарнинг услуб ҳамда бадииятидан анчагина фарқ қилмоқда.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий”да тазкирачилик унсурлари**” деб номланиб, унинг биринчи фасли **“Ижодкор тарихий шахслар адабий портретлари”** деб аталади. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илк тазкиралар араб тилида ёзилгани маълум. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саллам Жумаҳий (758-846)нинг **“Табақоту-ш-шуаро”** (**“Шоирлар табақалари”**) асари манбаларда араблардаги илк тазкира сифатида тилга олинади¹⁵. Кейинги даврларда тазкираларнинг бир неча кўринишлари яратилди. Тазкирачилик жараёни турли даврлар мобайнида адабиётнинг мазмунини биров кенгайтирган. Туркий тазкирачиликка хос бўлган хусусиятлар, албатта, араб, форс адабиётининг тазкирачилик анъаналари таъсирида шаклланигани таъкидлаш лозим. Адабиётшунослик жанри ҳисобланган тазкирага хос унсурлар ва ифода хусусиятларни XV-XVI асрда яратилган адабий-тарихий асарларда ўз аксини топганини **“Бобурнома”** ва **“Тарихи Рашидий”**да кузатиш мумкин. **“Бобурнома”**нинг характерли хусусиятларидан бири муаллифнинг кўплаб соҳалар доирасида чуқур билимдонлиги ва бу соҳаларга асосли илмий ёндашуви ҳисобланади. Бу борада **“Тарихи Рашидий”** асарида ҳам муаллифнинг турли фанларга доир кузатишларида унинг зукко алломалик салоҳияти сезилиб туради. Жумладан, мазкур асарлар орқали Мовароуннаҳр ва Хуросон маданий ҳаётини акс эттирувчи талайгина бадиий лавҳаларда шоир-у адибларнинг сиймоси, уларнинг адиблик мавқеи билан боғлиқ бўлган адабий маълумотлар билдириб ўтилган. **“Бобурнома”**да қайсидир шоир ёки ижодкорни вазият тақозоси, воқеалар баёнидаги кетма-кетлик асносида тасвирлайди. Бу ҳол Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг **“Тарихи Рашидий”** асарига ҳам хос бўлган тамойиллардан ҳам саналади. Муаллифларнинг кузатишларида Мовароуннаҳр ва Хуросон, Қошғар ҳудудидаги машҳур адабий сиймолар ҳақидаги қарашлари бир-бирини тўлдиради. Ҳар икки муаллифнинг *Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайний, Муҳаммад Солиҳ, Шайбонийхон, Биноий, Саидхон* адабий портретларини яратишдаги ўзига хос жиҳатлари қуйидагича: Бобурнинг ижодкор қиёфасини яратишдаги асосий услубий белгилари: 1. Ижодкорнинг таъби назми – истеъдодини асосий мезон

¹⁴ Eyje M. Babur padishah and Haydar Mirza-their mutual relationship / Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг **“Тарихи Рашидий”** асарининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни” мавзусидаги Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т., 2011. – Б. 74.

¹⁵ Ханна ал-Фахури. История арабской литературы / Пер. с арабск. В.В.Атамали, Д.А.Баширова, В.С.Сегалю. – М., 1960. Ч.2. – С. 214.

сифатида белгилаши. 2. Ижодкорнинг сийрати ва адабий меросини параллел таҳлил қилиши. 3. Шоир ижодидаги ўзига хослик ва адабий муҳитда тутган ўрнини аниқ тавсифлаши. 4. “Мажолис ун-нафоис”нинг адабий илмий тажрибаларини ўз кузатишларида умумлаштира билиши. Ҳайдар мирзонинг ижодкор қиёфасига оид чизгиларида қуйидаги белгилар мавжуд: 1. Шоир ёки бошқа ижодкор шахсларнинг ўзига хос индивидуал томонларини ёритишга ҳаракат қилиши. 2. Ижодкорлар услубини устоз-шоғирд анъанаси асосида кузатиши. 3. Ижодни баҳолашда танқидий руҳнинг кам кузатилиши.

Бобур ва Ҳайдар мирзонинг адабий портрет яратишдаги умумий жиҳатлари қуйидагилар: 1. Адабий муҳит ва унинг етакчисини таърифлаш воситасида ижодкорларга мурожаат қилиши. 2. Ижодкорларни маълум гуруҳларга ажратиб таснифлашга эришиши. 3. Шоирлар таъби назмининг қувватини баҳолашда қиёсланган далилларни келтириши.

